

“Минг Бир Кечা” Ва Ўзбек Фольклори

Астанова Гулнора Аминовна¹

Аннотация: Адабиётшунослик узлуксиз ривожланиши тақозо этаркан, Шарқ миллий анъаналарининг ўзбек адабиётига таъсири масаласини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, Шарқ адабий мерослари таъсирида яратилган ўзбек бадиият намуналарини тарихийлик ва миллийлик мезонлари асосида тахлил қилиш ва уларга жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги ютуқлари нуқтаи назаридан ёндашиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Маколада «Минг бир кечা» асари ҳикоятларининг ўзбек халқ эртаклари орасида ҳам учраши, бунда Шарқ халқлари ҳаётининг муштарак жиҳатлари сабаб бўлиши илмий тадқиқ этилган. Шу жиҳатдан »Минг бир кечা« айrim ҳикоятлари ҳамда ўзбек халқ эртаклари киёсан ўрганилган. Шунингдек, маколада Шарқ халқлари ҳаётининг «Минг бир кечча» асари ҳикоятларига таъсири муаммолари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: »Минг бир кечча», Шахризода, ўзбек, халқ, эртак, канизак, образ, бадиият.

Нодир адабий ёдгорлик бўлмиш “Минг бир кечча” асарини жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ажралмас бўллаги сифатида баҳолаш, Шарқ адабиётининг ўзбек адабиётига бадиий синтези нуқтаи назаридан унинг ўзбек адабиётига самарали таъсирини белгилаш бугунги кундаги долзарб вазифалардандир.

Халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг бошлангич даври олимлари Е.М.Мелетинский, В.П.Аникин, А.Н.Самойлович, А.Н.Веселовский, Ж.Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, К.Леви-Стос, В.М.Жирмунский ва бошка олимлар тадқиқотлари адабиётшунослик фанининг таркибидаги мустақил фан ҳисобланган фольклоршуносликини ривожлантиришда салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. [1.23]. Европада эса фольклор жанрларини ўрганиш X асрга бориб тақалади[2.34]. Унга кўра фольклорнинг чуқур ўрганилган жанрларидан бири эртак барча халқларнинг оғзаки ижодида энг қадимиysi ва кенг тарқалгани ҳисобланади. Европада эртак жанри устида энг кўп илмий изланишлар олиб борилган давр – XVI – XVII асрлардир. Ҳакиқатдан ҳам “Европада сеҳрли эртаклар асосчиси ҳисобланган Жованни Франческо Страпароле қаламига мансуб “Кувноқ кечалар” асарининг ҳикоятлари ўша давр зодагонларининг мезонлари асосида айнан болаларга мўлжалланган ижод намуналарига айлантирилди” [3.152].

Кейинчалик Америка ва Европа олимлари эртаклар таснифини яратишга киришишди. Унга кўра эртаклар 3 турга бўлинади: 1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. 2. Аслий эртаклар [2.35].

Бироқ бизда эртак жанрининг жуда қадимдан мавжуд эканлигини XI асрда яратилган Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит-турк” асарида “эртак” атамасининг “этук” тарзида кўлланганлиги мисолида кўриш мумкин. Кейинчалик бу фаолиятни К.Имомов, F.Жалолов, X.Раззоков, Ж.Юсупов каби олимлар давом эттиришди. Ўзбек фольклоршунослигига ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Чунончи, М.Афзалов [4.205], F.Жалолов [5.267], X.Эгамов [6.129], Ж.Юсупов [7.167], К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоков, О.Сафаровлар [8.236] халқ оғзаки ижоди назарий масалаларига доир асарлар яратишида ва натижада шу йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларига туртки бўладган муаммолар кўтарила бошланди. Бундай улкан ишлар доирасида ҳали ўрганилиши зарур бўлган кирралар ҳам мавжудки, бу – “Минг бир кечча” асарининг ўзбек халқ оғзаки насрига таъсири масаласидир. Зеро, мазкур асар ўзбек халқ оғзаки ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатган.

Ўзбек халқ насли таркибиға кирган жанрларни икки гурухга бўлиш мумкин: а) миф, афсона, ривоят ва демоник ҳикоятлар, б) эртак, нақл, латифа ва лофдан иборат жанрлар [8.8]. Шундан келиб чиқиб, икки гурухнинг “эртак, нақл, латифа ва лофдан иборат” – иккинчи қисмига кирадиган эртакларда уйдирма мухим омил бўлиб ҳисоблансанда, баъзи ҳолларда ҳаёт ҳақиқатларини реал тарзда ифодалайди. Шунга кўра, ҳаёлий уйдирма ва ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг уйдирма шаклида ифода этилиши нуқтаи назаридан эртак жанрига кўра ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сеҳрли эртаклар, майший эртаклар, ҳажвий эртакларга бўлинади. “Минг бир кечча” асаридаги Шахризода ҳикоятларидан мана шу юқорида келтирилган эртак жанрларининг барчасини топиш мумкин. Биз кўзлаган мақсад Шахризода ҳикоятларининг ўзбек халқ эртакларидаги бадиий синтезига дахлдор.

“Эртакчи – эртак айтuvчи, ҳикоятчи. Репертуаридаги эртаклар характери ва ҳикоят қилиш услубига кўра эртакчилар бир-биридан фарқ қиласи: улар ижрочи ва ижодкор эртакчиларга бўлинади. Биринчиси ўзи эшитган эртакни айнан такрорлайди. Ижодкор эртакчилар эса ўзи эшитган, ўрганган эртакларга орттирма-бўрттирма таъсир воситалари, сифат ва қиёслар билан янгиликлар киригади, эртакка ижодкор сифатида ёндашади” [9.261]. “Минг бир кечча” эртакларининг ҳам, ўзбек халқ эртакларининг ҳам тили жонли халқ тилидир. У бадиий тасвири воситаларига, турли қочиримларга бой. Шу туфайли уларни тинглаш ёки ўқиш халққа, китобхон ёки тингловчига

¹ БухДУ, ўзбек тилшунослиги ва журналистика кафедраси доценти, филология фанлари доктори

ёкимлилик бахш этади. Маълумки, “Минг бир кеча” эртакларининг ижрочиси Шаҳризода номидан айтилган ҳам сехрли, ҳам мажозий, ҳам майший-ҳаётий эртаклар сирасига кирадиган машхур эртаклар силсиласини асосан кун ботгач бошлаб, тонг отгач тўхтатади. “Коронгулик эртаклар оламига хос сирлиликни кучайтирувчи омил ҳисобланган.”[10.46]. Келтирилган иқтибос “Минг бир кеча” эртаклари ҳакида айтилган эмас, балки ўзбек ҳалқ эртаклари ҳакида айтилган фикрdir. “Минг бир кеча” асари бир неча асрлардан буён Туркистон диёрида ҳалқ орасида машҳурдир. Уни арабий, форсий нусхаларда ўқийдиган аҳли илмлар мутолаа қилиб юришгани боис, ўзбек ҳалқ оғзаки ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Жумладан, “Мукъбил тошотар”[11.11], “Оловиддиннинг сехрли шамчироғи”[11.12], “Моҳистара”, “Деҳқон, қози ва тадбирли аёл”, “Қаҳрамон”[11.13] каби ўзбек ҳалқ эртакларини мисол келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, Хоразм ҳалқ эртакларидан “Тухматчилар жазоси” [12.18] эртаги, “Ўрзбой билан Олтинжон”, “Камбағал хотин” [13.100], “Ақлли хотин” каби эртакларни мисол келтириш мумкин.

“Эртакчилар бозорларда, чойхоналарда, карвонсаройларда хуржунини кўтариб, бирор эски китобни рўмолига туғиб олиб, одамларни тўплаб, кишилар бироз бўлса ҳам гапга кулоқ соглган пайтларда дарҳол ўртага тушганлар”, – дейди F.Жаҳонгиров [14.36]. Олимнинг бу фикри ўзбек ҳалқ эртакларининг ижроси ва минтақада ёйилишига нисбатан айтилган бўлса, Шарқ ҳикоят ва ривоятларнинг, хусусан, “Минг бир кеча” асарининг дунё бўйлаб тарқалишига нисбатан ҳам худди фикрни айтиш мумкин.

“«Минг бир кеча» ижодкорлари ўз қаҳрамонларининг турли-туман саргузаштларини баён этишаркан, тингловчи ёки китобхонни ғалати мамлакатлар ва турфа ажойиботларга бўлган қизиқишини имкон қадар янада кучайтиришига ҳаракат килгандар. Саргузашт ва саёҳат киссаларини баён этгувчи ҳикоятлар материали қисман фольклор манбалари асосида ва қисман географик, этнографик манбалар асосида вужудга келган”, – дейди [15.345] шарқшунос И.Фильштинский. Бундан шуни англаш мумкинки, дунёнинг бир неча давлатларини ва ҳалқларини тижорат орқали бирлаштирувчи “Буюк Ипак йўли” мазкур асарнинг Туронзаминга кириб келишида ўз ҳиссасини кўшганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

“Минг бир кеча” асарининг ўзбек ҳалқ эртакларидаги бадиий синтезига эътибор қаратарканмиз, асарнинг “Шаҳзода ва ети вазир ҳикояти”да келтирилган лавҳага дикқат қиласиз. Жория томонидан тухмат туфайли хиёнаткорликда айбланган шаҳзода отаси – шоҳ томонидан жазога маҳкум. Бироқ шаҳзодага тухмат килган жория уни қатл эттириш тарафдори бўлса, ети вазир эса уни афв этиш тарафдори. Шоҳни кўндириш учун икки қарама-қарши томонлар ибрат тариқасида шоҳга галма-галдан ҳикоятлар сўзлаб беришади. Булардан олтинчи вазир ҳикояти: Бир йигит маълум сабаб билан зиндонга тушиб қолганида, унинг маъшукаси ҳокимга арз қиласи. Ҳоким аёлнинг васлига етиш эвазига йигитни зиндондан чиқаришини айтади. Бир хийла ўйлаб топган аёл уни уйига таклиф этади. Аёл шаҳар қозиси олдига бориб арзини айтади. Қози ҳам шу шартни қўяди. У қозини ҳам уйига таклиф қиласи. Сўнг вазир олдига, вазир олдидан чикиб, шоҳ олдига бориб арз қиласи. Бироқ буларнинг барчасидан бир хил шарт эшитади. Шундан сўнг дурадгор хузурига бориб жавон буюртиради. Дурадгор ҳам шу шартни қўяди. Аёл эса ҳоким, қози, вазир, подшони уйига чакирган вактда дурадгорни ҳам уйига келишини тайинлайди. Буларнинг барчаси бир-бирдан беҳабар ҳолда ўша тайинланган кунда бирин-кетин аёлнинг уйига ташриф буюришади. Тузоққа илингандарни аёл бирма-бир жавонга жойлаб, устларидан маҳкамлаб, қочиб қолади.

Худди шундай лавҳани ўзбек ҳалқ ижодида учратамиз.

Хоразм ҳалқ эртакларидан бўлмиш “Тухматчилар жазоси”[12.18] эртагининг кисқача мазмунига тўхталамиз: соддадил йигитнинг доно хотини извогар, майший бузуқ, фитначи хушторлар тухматига дучор бўлади. Йигит тухматчилар дастидан она шаҳридан бош олиб кетмоқчи. Бироқ йигит тухмат килгандарни жазосиз қолдирмасликка, уларнинг адабини бериб, сўнгра кетишга аҳд қиласи. Эр-хотин режа тузадилар. Хотин шу куни бозорга бориб, қассобдан гўшт сотиб олади. Қассоб жувонга ошиқ бўлиб қолади. Гўштнинг пулини сўрамай бериб юборади. Кун ботиб, қош қорайгач, қассоб хотиннинг уйига боради. Хотин уни “очик ҷехра” билан кутиб олади. Шунда том устида пойлаб ётган эри эшикни тақиллатиб қолади. Қассоб нима қилишини билмай қолганда хотин: Сиз дарров мана бу эшикнинг орқасига энгашинг, мен устингизга коп ёпиб қўяман, эrim ухлагандан кейин секин чиқиб кетасиз”, – дейди. Хотиннинг эри келиб, чопиб ташламоқчи бўлади. Қассоб қочишига улгуради. Эртаси куни қассобга ишлатган хийла билан Султон баққолни бешикка белайди. Қозини келтириб, шарманда килади. Бу кимсалар йифилишиб, маслаҳат қилишади. Улар ер тагидан лаҳм қазиб, хотиннинг устига бостириб кириб, мол-дунёларини қайтариб олишмокчи бўладилар. Бироқ бири бурнидан, бири кулогидан, бири кўзидан айрилади. Шундай қилиб, эр-хотин тухматчилардан қасдларини оладилар.

“Ўрзбой билан Олтинжон”, “Камбағал хотин” [13.100] эртакларининг сюжети ҳам юқоридаги эртакка ўхшашдир. Фақат буларда фош қилиш учун ишлатилган тадбирлар турли-тумандир. Масалан, “Камбағал хотин” эртагида читфурушни ечинтириб, сандиққа қамаб, устидан кўрпа ташлаб қўяди, қозини эса бешикка белайди. “Ўрзбой билан Олтинжон” эртагида Олтинжон қассобни бешикка белайди, бакқолни “Сигиримиз бўғоз эди, туккан”, - деб бурчакка боғлаб, олдига бир боғ беда қўяди, яна бирини ўғри ўрнига қўйиб, бошига лампа қўяди. “Ақлли аёл” [13.226] эртагида қозини бузоқ қилиб, устига кўрпа ташлайди, қассобни эса, чироқ поя қилиб, устига шам ёқиб қўяди ва ҳоказолар. Бу эртакдаги қассоб, бакқол, қозилар ва уларни фош этиш тадбирлари ва усуллари биз юқорида кўрган “Минг бир кеча” асарининг мазкур ҳикоятидаги майший бузуқ унсурларни масхаралаш йўлларини эслатади. Мана шу ўринда тадқиқодчи айтганидай, “Ҳар бир эртакда ўзи яратилган макон ва замоннинг “ҳид”и келиб туради. Эртаклар поэтикасида ҳам худудлардаги ўзига хослик кўзга ташланади” [10.47]. Мазкур

эртакларнинг ғояси маълум, яъни эртак юзага келган давр тузуми, аёлларга бўлган муносабатнинг ёмонлашуви, мансаб эгаларининг майший бузук характеристига нисбатан халқнинг салбий муносабатини акс эттиришдан иборатdir. Бу эса, “Минг бир кечা” ҳикоятлари ғояси билан ҳамоҳангдир. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш зарурки, юкорида келтирилган эртак ва асарлар ғоявий мазмуни, фош этиш усуслари жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, лекин ҳар бир эртакдаги образлар ўзлариниг ҳаракати, характеристи, ички дунёси, руҳияти, тили ва бошқа хусусиятлари билан маълум даражада ажralиб туради.

Ўзбек халқ эртаги “Муқбил тошотар” сюжетига диккат қаратамиз. Эртакнинг бошланиши: “...Ўтган замонда Бухоро шаҳрида бир золим подшоҳ бор экан. Унинг бир чиройли қизи бор экан. Унинг номи Мехринигор экан. Юзининг нури ойни хира килар экан.

Мехринигор чиройли, кучли ва ғайратли қиз экан. Юзига никоб тортиб, худди йигитлар сингари, ёнида қилич-қалқон осиб, кўп вақтини овда ўтказар экан”. Эртак сюжети довюрак, абжир маликанинг ботир, кўрқмас, паҳлавон чўпон йигитга бўлган муҳаббати асосига курилган. Ёки ўзбек халқ эртакларидан “Қорасоч пари” эртагида ҳам малика Қорасочнинг довюрак, зехни ўтқир, кўпгина илмлардан хабардор, замонасининг тенги йўқ соҳибжамол маликаларидан бири сифатида шоён этилган. “Минг бир кечা” эртаклари билан муқояса қилинганда бундай лавҳани, яъни маликани тасвирлаб бериш усулини асарнинг кўпгина ҳикоятларида учратишимиш мумкин. Масалан, “Али Шор билан Зумуррад ҳикояти”да, “Али Нуриддин ва Марям зуннория қиссаси”да, “Икки вазир билан Анисулжалис“ ҳикоятларида худди шу жумлаларни ўқишимиз мумкин. Ёки “Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи” эртаги (Ўзбекча вариантда “Оловуддин”) “Минг бир кечা” эртагидаги “Аловуддин ва унинг сеҳрли чироги” ҳикоятининг худди ўзи. Бироқ эртак тафсилоти бирмунча фарқланади. Унда кўпчилик эртакларда бўлгани каби ёвузлик яхшилик устидан ғалаба қозонишгагина аҳамият берилган бўлса, “Минг бир кечा”да нафақат шу масалага, балки меҳнатсиз келган бойликнинг умри узоқ бўлмаслигига ҳам ишора бордай туюлади. Айрим лавҳалардаги ўзгаришларга аҳамият берадиган бўлсак, Аловуддиннинг сеҳрли чирогини қайта кўлга киритиш лавҳаси “Минг бир кечা”да жория орқали амалга оширилса, ўзбекчасида унинг онаси орқали амалга оширилади. “Эртакларнинг сюжет ва композициясини кенг ёки қисқа бўлиши кўпроқ эртакчининг моҳирлигига ва ҳофзасига ҳам боғлиқ” [4.116].

“Сеҳрли эртакларда воқеалар сеҳр-жоду, фантастик уйдирмалар асосида курилган бўлади. Буларда паҳлавонлик ва қаҳрамонлик мадҳ этилади” [8.8], – дейди К. Имомов ўз китобида. Ўзбек халқ эртаги бўлмиш “Моҳистара” сеҳрли эртаги воқеа-ҳодисалар Бағдодда рўй бериши, ундаги шахзоданинг довюрак, мард, баҳодир бўлиб ўсишлиги, ўз севгилисига етишишда ҳеч қандай қийинчилик уни енга ололмаслиги, хусусан, дев ва парилар иштироки, сеҳр ва афсун орқали осонгина бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга айланиш лавҳалари “Минг бир кечা”даги “Ҳосиб ва илонлар маликаси”[16.112] ҳикоятига ўхшаб кетишини айтиш жоиз.

Хуллас, юкорида олим таъкидлаганидек, сеҳрли эртакларга фақатгина фантастик уйдирмалар сифатида караш мумкинмикин?! Бизнингча, масаланинг бошқа томони “Минг бир кечা” эртаклари ҳамда ўзбек халқ эртакларини умумий тарзда “ислом шарқи эртаклари” деб қарайдиган бўлсак, Қуръони Карим сураларининг бири “Жин” сураси деб номланишининг ўзи ва яна “Ҳажр” сураси 17-18-оятида Аллоҳ томонидан уларнинг мавжудлиги эътироф этилаётган бир пайтда сеҳрли эртаклар негизини фақат “фантастик уйдирма” деб қарашимиз уччалик тўғри эмасдай туюлади, назаримизда. Зеро, унда айтилади: ...Ва уни (осмонни) барча малъун шайтон-жинлардан муҳофаза килдик. Магар (у жинлардан) биронтаси (осмондаги малоикаларнинг бирон сўзини) ўғринча эшитиб олса, бас, уни очиқ (учар) юлдуз кувиб кетар (яъни ҳалок этар)” [17.175]. Бундан шарқ эртакларидаги сеҳр, пари, дев ва жинлар образи иштироки бежиз эмаслигини англаш қийин эмас ва адабиётдаги бу каби масалаларни ечиш келажак изланувчилари зиммасидаги вазифа.

Ўзбек халқ эртакларидан бўлмиш “Деҳкон, қози ва тадбирли аёл” (Пулинни қозига омонат қолдирган деҳқонга аёл уни тадбиркорлик билан қайтариб олиб берганлиги воқеаси) қисқа сюжетли эртак бўлса-да, ундаги воқеалар тафсилотидан ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган жуда кўп деталларни уқиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, “Минг бир кечা” асари ҳикоятларида ҳам, ўзбек халқ эртакларида ҳам сюжет ҳалқ учун, унинг онги ва маънавиятини кўтариш учун хизмат қилувчи бир восита. Зеро, адабиётшунос олим Н.Комилов ёзганидек: “...Шарқнинг буюк ижодкорлари бу ғояларни турли жанрларда ғоят эҳтирос ва сўнмас ихлос билан тасвирлаганлар. Бу мустаҳкам ахлоқий кодекс халқларимиз турмушига, онгига сингиб, катта ижтимоий маъно касб этиб келган. Оилани мустаҳкамлашга ёрдам берган...” [18.23]

Адабиётлар:

1. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Москва: Высшая школа, 1989.
2. <https://saviya.uz/>
3. Пропп В. Морфология сказки. – Л.: Академия, 1928.
4. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳакида. – Т.:Фан, 1964.
5. Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.:Фан, 1976.
6. Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982.

7. Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Т.: Фан, 1997.
8. Имомок К. Ўзбек халқ насли поэтикаси. – Т.: Фан, 2008.
9. Ўзбекистон Миллый энциклопедияси. 12 жилдлик, 10 - жилд.– Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2005.
10. Аскарова Ж. Эртакчилик анъаналари// Жаҳон адабиёти. . – Т.: 2018, № 8.
11. <https://ziyouz.uz/ozbek-xalq-ogzaki-ijodi/ozbek-xalq-ertaklari/>
12. Хоразм эртаклари. / Нашрга тайёрловчи Ф.Абдуллаев. – Т.: 1961.
13. Ӯзбек xalq ertaklari. / Tuzuvchilar: M.Abzalov, X. Rasulov, Z.Xusainova. – Toshkent, O'qituvchi, 19983. 3 jildlik. J.2.
14. Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. Б. – Т.: Фан, 1975.
15. Фильшинский И.М. История арабской литературы X–XVIII века. – М.: Наука, 1991.
16. Минг бир кечада.Араб эртаклари. / Ю.Ҳакимжонов тарж. – Т.:Ўзбекистон макалалари, 1962. 8 жилдлик. Ж. 5.
17. Куръони Карим./Алоуддин Мансур тарж. – Т.: Чўлпон, 1992.
18. Комилов Н.Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999.